

Халқ сўзи


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 18 февраль, № 34 (3579)

Жума



Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, аждодларимизнинг сайъ-ҳаракатлари билан бунёд этилган мейморий обидалар, мақбарая миноралар, нилий гумбазлар эътиборингизни тортади. Гўё улар сизга Ватанимизнинг узоқ ўтмиши, тарихи, буюқ инсонлари ҳаётидан сўзлаётгандай. Аслида уларнинг ҳар бири улкан бир тарих.

Асрлар жилоси

Самарқанду Бухородаги, Хиваю Тошкентдаги ўлмас осори атиқалар кимларни ҳайратлантирмаган, гўзаллик билан ошуфта қилмаган дейсиз. Айниқса, шарқона мейморчилик аънаналари услубидаги мовий кубба-

лар, нақшкор безаклар, бир неча асрдики, Ўзбекистон довуғини эл аро дoston қилиб келмоқда. Ана шу обидаларнинг доимо мафтункор бўлиб, жилланиб, нур таратиб туришида таъмирловчи меймор-усталарнинг ҳам муносиб улуши бор. Айниқса, мустақиллик йиллари ўнлаб қадамжоларимизнинг қайта тикланиши, Темурийлар тарихи, Қатагон қурбонлари музейлари қурилишида уста-мейморларимиз, нозик дид мусаввирларимизнинг ўрни беқийс. Республика махсус ижодий ишлаб чиқариш "Усто" уюшмаси тасарруфдаги М. Раҳимов номидаги Бадиий керамика тажриба комбинати мусаввирлари Самарқанд-

даги Шоҳи Зинда обидасини таъмирлаш учун махсус кошчилар ишлаб чиқариш ҳаракатида тажриба-синовни бошлаб юборишган. — Шоҳи Зинда безаклари гоят нозик ва энг мураккаб усулда яратилган, — дейди "Усто" уюшмаси бош мутахассиси Раҳматилла Солиев. — Ҳозир мусаввир-усталаримиз яратаётган, иссиқ ва совуқда, қор ва ёмғирда ҳам ўз жилвақорлигини йўқотмайдиган кошчилар, мейморий безаклар, ишончимиз комилки, маҳобатли ёдгорликнинг янада мафтункор бўлишига ва тарихий обидаларнинг умрини узайтиришга хизмат қилади. **Мавжуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.**



СУРАТЛАРДА: ушбу мафтункор кошчилар эртага Шоҳи Зинда обидасини безаши шубҳасиз; таъмирловчи,технолог, техника фанлари номзоди Махсума Мақсудова; мусаввирлар Ориф Раҳимов ва Садриддин Муҳиддинов иш устида. **Рашид ГАЛИЕВ** олган суратлар.

Яна бир ўта муҳим масала — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан. **Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди.**

Ислом КАРИМОВ.

Суд ҳокимияти: ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭРКИНЛИК САРИ

Яхши тадбирлар, эзгу ғояларда ҳикмат кўп. Мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, гоят муҳим ўрин эгаллади. Сайловлар Ўзбекистон бундан буён ҳам ўзи танлаган демократик тарққиёт йўлидан содиқ ва собит боражагини исботлади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шарофати билан амалга оширилган ана шу тадбирнинг ўзиёқ юртимиз, халқимиз тарихида, ижтимоий ҳаётимизда янги бир даврнинг бошланганидан далолатдир.

Бу янги даврда олдимизга қўйилган вазифаларни ижро этишда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузаси муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиздир. Ушбу тарихий ва дастурий маърузада суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилгани бугун биз барпо этаётган жамиятнинг обрўси суд-ҳуқуқ соҳасининг, айниқса, ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлиши судларнинг нуфузи ҳам боғлиқ бўлиб қолаётганлигини яна бир қарра аңглатади.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг кейинги босқичида эътиборга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларга тўхталишдан аввал мазкур соҳада истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларни тилга олиб ўтиш фойдалидир. Чунки эндиги вазифа ана шу ютуқларни мустақамлаш ва судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашни давом эттиришдан иборатдир.

Мамлакатимиз Конституциясида давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи сифатида суд ҳокимиятининг эътирофи этилиши бу соҳадаги туб ислохларнинг дебочаси бўлди.

Судларнинг жинойий, фуқаролик, ҳўжалик ва конституциявий ишлар бўйича ихтисослашуви бу соҳани ривожланган дунё тажрибаси асосида шакллантириш сари қўйилган энг муҳим қадамлардандир. Судья кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг тобора такомиллашиб бораётган механизми, суд қарорларини ижро этиш билан шуғулланувчи махсус тизимнинг ташкил этилганлиги, прокуратура идоралари фаолияти ҳамда жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигининг такомиллаштирилганлиги суднинг тасирчанлиги, самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бугун нафақат халқимиз, балки кўплаб нуфузли халқаро ташки-

лотлар, етук олим ва амалиётчилар томонидан Ўзбекистонда жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши ҳамда бу жараёнда бардавомлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги ҳўжалик низоларини ҳал этувчи ҳўжалик судларининг ташкил этилиши эса иқтисодий муносабатларда ҳам қонунийликни таъминлади.

Сир эмас, мамлакатимиз суд ҳокимиятининг обрўси ва нуфузи бугунги кўраётган ҳаётимиз талаблари даражасига тўлиқ етганича йўқ ва бунинг учун бор масъулиятни ўзимиз, яъни суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётганлар зиммасига олишимиз лозим.

Фикримизча, суд обрўсини кўтариш, суд ҳокимиятининг чин маънодаги мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш биринчи галда соҳада меҳнат қилаётган кадрларнинг, айниқса, судьяларнинг салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Гарчи бугун мамлакатимиз суд тизимида мингга яқин судья фаолият кўрсатиб, улар унчалик ҳам катта катламини ташкил этмасда, бугун суд ҳокимиятининг нуфузи, пировардида қонунларининг обрўси ана шу судьялар

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимларининг семинар-тренинг машғулотлари бошланди.

СЕМИНАР БОШЛАНДИ

Мазкур академия ректори Қ.Назаров бошқарган дастлабки машғулотда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Бу қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Деҳқонларнинг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлиги ортиб, турмуш даражаси тобора юксалмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу борада амалга оширилаётган муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди.

Семинарда мамлакатимиз ҳаётининг асосий тамойиллари — давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқаролар эркинлигини таъминлаш, ташқи сиёсатни амалга ошириш ҳамда иқтисодий соҳадаги галдаги вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Ун кун давом этадиган семинар-мунозараларда Юртбошимизнинг дастурий маърузасидан келиб чиқадиган муҳим йўналишлар — иқтисодийни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг долзарб вазифалари, аграр тармоқдаги, ижтимоий соҳадаги янгиланишлар, хавфсизлик ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Олим НОРЕБЕКОВ, Ўза мухбири.

Ратификация ёрлиқлари алмашилади

17 февраль кuni Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида Дўстлик, ишончини мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома кўчга киргани ҳақидаги ратификация ёрлиқлари алмашилди. Ушбу ҳужжат Президент С.А. Ниязовнинг ўтган йил 19 ноябрь кuni мамлакатимизга қилган рас-

мий ташрифи чоғида имзоланган эди. Ратификация ҳужжатлари алмашув маросимида Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазирлиги ўқувчи ва халқаро алоҳида ишлар бўлими раҳбари Э.Ғаниев, Туркманистон томонидан ушбу мамлакатнинг Тошкентдаги элчиси С.Пирмухамедов иштирок этди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу воқеа Туркманистон миллий байрами — Давлат байрами кuni арафасида рўй берди. Ўзбек дипломатлари яқинлашадиган сана муносабати билан Туркманистон элчисини самимий кулдилар ва Ўзбекистон — Туркманистон дўстлиги икки халқ манфаати йўлида бундан кейин ҳам ривожлантиришга ишонч билдирдилар.

"Жаҳон" АА.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

ҚАРШИ (Ўза мухбири Аҳад МУХАММАДИЕВ). Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Тўхтаев бошқарган тадбирда юбилей объектлари қурилишининг бориши, иш ҳажмининг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш тўғрисида"ги қарори мазкур шаҳарнинг бўй тарихини ўрганиш, янада ободонлаштириш, аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришда му-

ҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур қарорга асосан юбилей объектлари жадвалига киритилган асосий ишларнинг маълум қисмида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш тўғрисида"ги қарори мазкур шаҳарнинг бўй тарихини ўрганиш, янада ободонлаштириш, аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришда му-

Фаровонликка хизмат қиладди



Сўнги йилларда коммунал ҳўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан самарали фойдаланиш, унга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида зарур дастурий ҳужжатлар қабул қилинди. Натияжада уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги шартномавий муносабатлар мустаҳкамланди.

Утган йиллар давомида соҳада бир қанча муаммолар пайдо бўлди. Айниқса, ширкатларни ташкил қилиш жараёнида юзакчилик, қонун бузилиши ҳоллари учраб турибди. Шунингдек, айрим жойларда коммунал хизмат ҳақлари асосиз ўсиб кетмоқда. Кўрсатилаётган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳам қоникарли аҳволда эмас. Аҳолининг коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналаридан қарзи ўсиб борапти.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ўтган ҳафта мамлакатимиз Президентини "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "Коммунал хиз-

матлар тарифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорлар қабул қилди.

Уй-жой мулкдорлари ширкати деярли назоратсиз қолаётгани, ширкат раҳбарлари хизмат нарҳларини асосиз ошириб юбораятгани аҳоли ўртасида ҳақли нозоратликка сабаб бўлаётган эди. Қарорда бунинг олдини олиш учун уларни Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасига бириктириш зарурлиги қайд этилган. Демак, энди ширкат йўл қўяётган камчилик ва ўзбошимчиликлар ҳақида бемалол уюшмага мурожаат қилиш мумкин.

Қарорда уюшманинг вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилган. Улар уй-жой фондидан фойдаланиш, жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш масалаларида уй-жой мулкдорлари фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боради. Кўп ҳолда уларда ўтказилган таъмирлаш ва қайта таъмирлаш иш-

ларининг қурилиш меъёрларига мувофиқ келишини назорат қиладди. Маълумки, илгари бундай назорат бўлмагани учун уй-жой мулкдорлари таъмирлаш ишларини номигагина амалга оширарди. Қилинмаган ишларни бажарилиди дея ҳужжатлар тайёрлаб, маблағларни ўзлаштириб юборарди. Энди бунга йўл қўйилмайди. Чунки Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси томонидан ўтказилган текширувда таъмирлаш ишларида қонун бузилишларига йўл қўйилгани аниқлангудек бўлса, уларга уй-жой мулкдорларининг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш ҳамда уюшма раисини лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги таклифни кун тартибига киритиш ҳуқуқи берилган.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилганига бир неча йил бўлди. Лекин бу соҳани яхши биладиган мутахассислар шу пайтгача етарли эмас эди. Шунинг учун, ширкат раислигига баъзан тасодирий одамлар сайланиб қолмоқда. Энди бундай камчиликларга йўл қўйилмайди.

Боиси, қарорда уюшма зиммасига уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифаси ҳам юкланган. Шунга биноан жорий йилда УМШ раҳбар ходимлари тармоқ коллежларида малакаларини оширадидлар.

Коммунал хизмат ҳақларининг кейинги йилларда бир неча баравар ошиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг бир неча сабаблари бор, албатта. Аввало, боқимандаликка чек қўйилди. Ҳар бир соҳа ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтмоқда. Иккинчидан, коммунал хизмат соҳасида рақобатнинг йўқлиги ҳам нарҳларнинг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Коммунал хизматлар тарифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда.)

корпуси салоҳиятига маълум маънода боғлиқдир. Тўғри, судьяларнинг билими ва тажрибасини ошириш, судьялик лавозимига муносиб номзодларни тайёрлаш ва тайинлаш, улар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш каби йўналишлардаги ижобий ўзгаришлар изчил давом этмоқда. Бироқ ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам анчагина.

Энг аввало, судьялар корпусига энг яхши, малакали кадрларни тўлиқ сафарбар эта олганимиз йўқ. Бугун иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кўплаб ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда. Улар орасида истеъдодли, судьялик лавозимига муносиб кадрлар анчагина. Ана шундай кадрларни судьялик лавозимига жалб этмоқ мумкин. Бунинг учун эса судьяларни иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялашни юқори даражага кўтариш керак бўлади.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда Тошкент давлат юридик институти ва олий ўқув юртинларининг ҳуқуқшунослик факультетларида юристлар тайёрланмоқда. Лекин бирорта олий ўқув юртида иқтидорли талабаларни юқори курслардан бошлаб судьяликка тайёрлаб борадиган алоҳида йўналиш мавжуд эмас. Ўз-ўзиндан аёнки, олий ўқув юртини битирган талабалар ҳар хил савиядаги юристлар бўлиб етишиши мумкин. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам судья бўлолмайди. Шу боис олий ўқув юртинларида судьялик йўналиши бўйича алоҳида гуруҳларни ташкил этиш ҳамда Тошкент давлат юридик институти ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиш академияси қосида олий маълумотли юристларни, масалан, камда бир ёки икки йил давомида судьяликка тайёрловчи факультетлар (бошқача ҳам бўлиши мумкин) очиб фурсати етди, деган фикрдамыз. Бунда ҳорижий давлатларнинг тажрибаси ҳам кўл келиши мумкин. Масалан, Россия Федерациясида Олий суд, Олий Арбитраж ва Конституциявий судлар томонидан таъсис этилган Одил судлов академияси фаолият кўрсатмоқда. Унда судьялар ва суд ходимларининг малакасини ошириш, судьялик лавозимига захирата олинганларни ушбу лавозимга тайёрлаш вазибалари ҳал этилади.

Қолаверса, судьяларнинг иқтисослашуви масаласи янада жиҳдий ёндашуви талаб этади. Судьяларнинг жинсий, фуқаролик, ҳўжалик ишлари ва конституциявий масалалар бўйича иқтисослашуви мазкур соҳалар бўйича аниқ ҳамда самарали дастурлар асосида судьяларни қайта тайёрлашни ҳам мўҳим вазифа қилиб қўяди. Масалан, ҳўжалик ишларини кўрувчи судьянинг фақатгина олий маълумотли ҳуқуқшунос бўлишигина кифоя қилмайди. У иқтисодиёт ёки молиявий муносабатлар, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалар ҳақида ҳам етарли билимга эга бўлиши зарур. Ёки фуқаролик ишларини ҳал этадиган судья суд жараёни ва фуқаролик қонунчилиги тўғрисидаги бирламчи билимлар билангина мукамал қарорлар қабул қилишига қодир эмас. Жиноят ишларини кўришга иқтисослашган судьялар ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди қошида судьялар иқтисослашуви бўйича махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

ролик ишларини ҳал этадиган судья суд жараёни ва фуқаролик қонунчилиги тўғрисидаги бирламчи билимлар билангина мукамал қарорлар қабул қилишига қодир эмас. Жиноят ишларини кўришга иқтисослашган судьялар ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди қошида судьялар иқтисослашуви бўйича махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Суд ҳоқимияти:

ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИМЛИК ВА ЭРКИНЛИК САРИ

ган, мавсумий тарзда амалга ошириладиган (судьялар иқтисослашуви бағишланган) семинарлар, ўқув машғулотларининг ўзи билан кўзланган мақсадга эришиш кийин.

Яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бугунги кунда суд қарорига нисбатан одамларда мустақимлик ишонч туйғусини шакллантириш, ишонсизликни йўқотиш ҳақида кўп гапирилмоқда. Бунга эришиш ҳам, биринчи навбатда, судьянинг билими ва маҳоратига боғлиқ. Гарчанд мўҳиятдан тўғри бўлса-да, мазмунан сифатсиз, тушунарсиз жумлалар билан тўлдирилган, тилининг оддий қондаларига ҳам риоя қилинмай ишлаб чиқилган суд ҳужжатига нисбатан ҳурмат ва ишончли шакллантириш амримаҳол. Судьяларда судья ва ходимларга суд ҳужжатлари маданияти, сифати ва савиясини ошириш йўлини ягона амалиёт асосида ўргатиш ишларини кенг йўлга қўйиш лозим.

Судьяларнинг ёши тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керакми ўхшайди. "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддасида йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар судья этиб тайинланиши ёки сайланиши мумкинлиги белгиланган. Албатта, йигирма беш ёш айна навқирон ёшдир ва инсон бу ёшда муайян муваффақиятларни кўлга киритиши, ўз соҳаси бўйича етарли билимларни эгаллаши мумкин. Бироқ, фуқаролик, ҳўжалик ишлари ва конституциявий масалалар бўйича иқтисослашуви мазкур соҳалар бўйича аниқ ҳамда самарали дастурлар асосида судьяларни қайта тайёрлашни ҳам мўҳим вазифа қилиб қўяди. Масалан, ҳўжалик ишларини кўрувчи судьянинг фақатгина олий маълумотли ҳуқуқшунос бўлишигина кифоя қилмайди. У иқтисодиёт ёки молиявий муносабатлар, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалар ҳақида ҳам етарли билимга эга бўлиши зарур. Ёки фуқаролик ишларини ҳал этадиган судья суд жараёни ва фуқаролик қонунчилиги тўғрисидаги бирламчи билимлар билангина мукамал қарорлар қабул қилишига қодир эмас. Жиноят ишларини кўришга иқтисослашган судьялар ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди қошида судьялар иқтисослашуви бўйича махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

ўйлаб кўриш керак. Юқори инстанция судьяларининг судьяларига қўйиладиган бундай талаб суд обрўсини оширишга ҳам маълум маънода хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари шахсини ушлаб туриш, ҳибсага олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш кераклигини, бунинг учун суд тизими ва бошқа органларнинг зарур тайёргарликка эга бўлиши лозимлигини қайд этди. Шундай экан, бу борарда ҳам судлардан алоҳида маъсулият ва тайёргарлик талаб этилади. Айниқса, шахсини ушлаб туриш ёки ҳибсага олиш масаласини жаҳон амалиётида бўлга-

Ўзбекистон Бош прокурорининг 24 та буйруқ ва қарорининг конституциявийлик масаласи текшириб чиқилди. Конституциявий судловнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлар чиқарган ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги устидан суд назоратини ўрнатиш орқали давлат ҳоқимияти тармоқлари ўртасидаги ўзаро мувозанат ва чекловлар механизмини яратиш, бунда ривожланган давлатлар тажрибасининг миллий аънаъларимиз ҳамда менталитетимизга мос бўлган жиҳатларини инобатга олиш талаб этилади.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма йи-

ноҳилис, тирноқ остидан кир кидириш қайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимосини тўла таъминлаш фурсати етди. Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олинлар".

Суд ҳоқимияти бугунги кунда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муайян ишлари амалга оширмоқда. Масалан, 2004 йилнинг ўзида ҳўжалик судлари томонидан 10 миңдан ортиқ ишлар бўйича тадбиркорлар фойдасига 25,3 миллиард сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Назорат органларининг улар фаолиятига нисбатан қонунга зид равишда чиқарилган 346 та қарори ҳақуқий эмас, деб топилган. Умумий юрисдикция судларининг биринчи инстанцияси томонидан эса тадбиркорлар ҳуқуқ билан боғлиқ 620 та даввоси кўриб чиқилиб, уларнинг 580 таси қаноатлантирилган.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг тадбиркорларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимосини тўла таъминлаш фурсати етганлиги тўғрисидаги фикрлари судларнинг бу борардаги фаолиятини янада жонлантириш лозимлигини далолатдир. Судлар фақатгина тадбиркорлар иштирокидаги низоларни ҳал этиш билангина чекланмаслик лозим. Фикримизча, энг мўҳим вазифалардан бири тадбиркорлик, хусусий мулк вакилларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари бузилишининг олдини олишга кўмаклашишдан иборатдир. Судларда қўрилаётган ишлар тахлилдан мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятига қонуний аралашувларга таъминлаш барҳам бериш каби долзарб масалалар бўйича аниқ ва амалий тақлифларни ишлаб чиқишда самарали фойдаланиш мумкин. Судларни тадбиркорларга янада яқинлаштириш, уларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари доирасини кенгайтириш ва соддалаштириш, ҳалигача учраб турган суд жараёнидаги сарсонгарчиликлар, тўрачилик, ишларнинг ойна давомида ҳал этилиши каби кўплаб муаммоларни бартараф қилиш бугуннинг талабидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга бағишланган дастурий маърузасида суд ҳоқимияти олдида қўйилган вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш суднинг ҳуқуқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш сари қўйилган мўҳим қадам бўлиши, шубҳасиздир.

Мирзоуллубек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси.

ХАТЛАР

сўзлайди

Миннатдорчилик

Меҳр далда бўлди

Фалокат оёқ остида, дейишди. Рост гап экан. Бехосдан сирпаниб кетиб, оёғим синиб қолди. Қўшилар мени зудлик билан шаҳар "Тез ёрдам" шифонасига олиб келишди.

Бу ерда анча вақт даволандим. Шифокорлар Тамина Латипова, Азизжон Тошпулатов, Улуғбек Абдуллаев ва Рубин Сааков ҳамда бош ҳамшира Дилбархон Жамилваларнинг ширинсуханлиги, меҳрибонлиги менга далда бўлди. Уларнинг сазй-ҳаракатлари билан яна ҳаётга, оилам бағрига қайтдим. Илоё, бундай инсонларнинг ўзлари ҳам соғ-ом бўлишсин.

Санобар ЖАМИЛ қизи. Тошкент шаҳри.

Афсус

Дард устига чипқон

"Бўстон" маҳалламининг ташкил топганига 25 йил бўлди. Бироқ бу ерда ечимини кутган масалалар анчагина.

Ҳар йили қиш мавсумида бизда газ босими пасайиб кетарди. Бу йил эса маҳалладаги барча кўчаларда деярли газ ўчган. Бу аҳолини электр қувватидан олтириб қолди. Уларнинг сазй-ҳаракатлари билан яна ҳаётга, оилам бағрига қайтдим. Илоё, бундай инсонларнинг ўзлари ҳам соғ-ом бўлишсин.

Умар МУҲИДИНОВ ва бошқалар. Қарши шаҳри.

Наҳотки?

Англашилмовчиликми ёки...

Яқинда мени Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлимига чақирдиш. У ерда уй телефонимдан 21-10-05 рақамли телефонга бир эмас, қирқ уч марта қўнғирок қилинганини айтишди.

Гап шундаки, айнан ана шу рақамли телефон ўрнатилган ҳондонда ўғирлик содир бўлган экан. Ҳайратдан ёқа ушладим. Чунки бундай телефон рақами бор бирон танишимиз йўқ. Аммо ички ишлар ҳодими қўлида 21-10-05 га айнан менинг рақамим (21-27-22)дан телефон қилингани ҳақидаги АТСдан олинган маълумот мавжуд.

Уйида телефон тез-тез ишламай қолади. Ва яна бегона кишиларни сўраб, ҳондонимизга қўнғирок қилишди. Бу телефон тармоғидаги йиллар эмасми? Эҳтимол, бизнинг телефонимиздан қимлардир фойдаланаётгандир? Бу англашилмовчиликми ёки...

Абдуҷалил ҚУЛЖОНОВ. Самарқанд шаҳри.

Нажот истаб

Гулистон нурафшонми?

Туманимиздаги Гулистон қишлоғи ўз номи билан обод бўлган. Бироқ кейинги пайтларда кундузлари 5-8 соатгача қироқнинг ўчиши бизга анча қийинчилик туғдирапти.

Бу муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам сўраб туман электр қуввати таъминотига бир неча бор мурожаат этдик. Аммо натижа чиқмапти.

Балки туман электр тармоғи маъсулари совуқ мавсумда аҳоли яшаш тарзига ҳам совуқроқ қарашга ўрганишганми?

Б.ОЛИМОВ ва бошқалар. Қибрай тумани.

Муаммо

Олмоқнинг бермоғи ўйқми?..

Қишлоғимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминловчи учта насос мавжуд. Бироқ электр тармоғидаги носозликлар туфайли улар кейинги пайтларда ишламай қолди.

Ҳолбуки, бу ишга маъсуллар электр қуввати ҳақини нафақа пуллари ва маошлар ҳисобидан ушлаб қолиш канда қилишмайди. Ўз бурчларини бажаришга келганда эса, негадир, маъсулиятни ҳис этишмайди. Бизни масаланинг ана шу жиҳати таажублантиради.

Р.АБДУРАЗЗОҚОВ ва бошқалар (жами 32 иншо). Қувасой шаҳри.

Газетада босилмади, аммо...

Ичимлик суви етказиб берилади

Тажрибамизга Богот туманидаги «Тошкент» ширкат ҳўжалигидан Ф. Жумабоев шикоят хати йўллаб, қишлоқда сув таъминотининг яхшиямаслиги ҳақида ёзганди. Ушбу хат юзасидан Богот тумани ҳоқимининг биринчи ўринбосари А.Абдуллаев имзо-си билан келган расмий жавобда таъкидланишича, бу қишлоқдаги ичимлик суви тармоқлари Богот-Янгиариқ тармоғига уланган. Босим юқори бўлганлиги учун мавжуд сув сақлаш иншоотидан фойдаланишга эҳтиёж бўлмаган. Аҳоли ичимлик сувида қарздорлиги сабаб, пул тушуми етказиб берилаётган сув нарҳига нисбатан оз миқдорда бўлган ва шу боис сув етказиб бериш вақтинча тўхтатилган.

Шу йил бошидан Туя-м ў й и н - У р г а н ч минтақалараро сув қурувларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўли қўйилган.

Бекқул ЭҒАМҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Фаровонликка хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қарорга мувофиқ, энди Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Тарифлар ва уй-жой коммунал ҳўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси ташкил этилади. Бу комиссия соҳада нарҳларнинг ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилаш, рақобат бозорини шакллантириш, хусусий секторни ривожлантириш билан шуғулланади. Шунингдек, комиссия зиммасига газ, сув ўлчаси асбоблари ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш ҳамда замонавий технологияларнинг жойи этилишини кузатиб бориш вазифаси ҳам юклатилган.

Бундан буён коммунал хизматлар ҳақини эртага ёки индинга тўлайман-да деб бемалол юриш истеъмолини чўнтагига зиён келтиради. Энди барча

юрдиқ шахслар коммунал хизматлар учун календар ой мамол бўлганда кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш шарт. Бунга амал қилмаган юрдиқ шахслар мuddати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳоли эса 0,1 фоизи миқдорда пеня тўлайди. Аммо пеня миқдори мuddати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, тўланган пенялар давлат бюджетига эмас, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун сарфланади. Қарорда коммунал хизмат ҳақларини ўз вақтида тўламаганлар учун бундан бошқа чоралар қўриш ҳам белгиланган. Масалан, улар ушбу манбалардан узиб қўйилади. Агар қимми ўзбошимчилик билан уларни улаб олга, қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Аҳолига қулай бўлиши учун, қарорда шу йилнинг 1 июлидан уй-жойлар ичиндаги сув ўтказгичлари, ка-

нализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жой мулкдорлари ширкатларида жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағларидан қопланиши қайд этилган. Ҳўш, бунинг афзаллик томони қаерда? Илгари аҳоли уйда сув қувири ёрилса, сув идорасига, газ қувирида бирор носозлик юзага келса, газга жавобгар идорага мурожаат қилар эди. Бу идоралар ўзоқда жойлашган бўлиши мумкин. Энди эса бундай юмушларнинг барчасини уй-жой мулкдорлари ширкатлари бажаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу икки қарор уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган мўҳим ҳужжатдир.

Бекқул ЭҒАМҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



СУРАТДА: пайвандчи Адҳамжон Шерматов хоналарга иситиш ускуналарини ўрнатаёпти. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Муносабат

Ўзбекистонда истиқлол йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш йўлида кўпгина ишлар қилинди. Бу — ҳаёт тасдиқлаган, ўзимиз шохид бўлиб, ўзимиз иштирок этаётган ҳақиқатдир. Матбуот мамлакат тарихида ҳеч вақт ҳозиргидек эътибор топмаган. Тарихда илк бор ОАВ учун ҳуқуқий асослар яратилди, журналистнинг эркин ижод этиши қонун билан кафолатланди.

инсонда алоҳида қизиқиш уйғотди, уни мушоҳада этишга чорлади, десак муболага бўлмайди. Президентимиз тўғри қайд этдилар: биз мустақил тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафқураси, маъмурий назорати ва цензурасидан катта қийинчилик билан ҳалол бўлаемиз. Ҳали матбуотимиз ҳар доим ҳам халқимиз биздан кутаётган дара-

миз таъбири билан айтганда, «ахборот эркинлигини таъминлаш мамлакатимизда, ОАВни одамлар ўз фикри ва фикри, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб» бунга эришиб бўлмайди. Юртбошимиз бу вазифалар ҳақида фикр юритар экан, бунинг учун, аввало, оммавий ахборот воситаларининг

жараёнини ўз бошидан кечирётган матбуот фаолиятига бирмунча мадад бўлади. Маълумки, ҳеч бир соҳа ривожини малакали ва етук мутахассисларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Матбуот, журналистика ҳам бундан истисно эмас. Қадрлар малакасини ошириш, эртанги кун талабига жавоб берадиган журналистлар тайёрлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Ташкил қилнадиган фонд маблағлари бу соҳага ҳам йўналтирилиши, ижодкорларимиз нафақат мамлакатимизда, балки хориждаги эътиборли ахборот марказлари ва агентликларда малака оширишлари, чет эллик касбдошлари билан тажриба алмашишлари, нуфузли журналистлар ташкилотлари билан алоқаларини йўлга қўйиш фақатгина мамлакатимиз ОАВ тараққиётига эмас, унинг жаҳон миқёсида ўз нуфузига эга бўлишига ҳам хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

ЖУРНАЛИСТЛАР КЎНГЛИДАГИ ОРЗУ

иқтисодий эркинлигини таъминлаш лозимлигини ва шу муносабат билан ОАВни қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди ташкил этиш фурсати етди, деган фикри илгари сурдилар. Бу — мамлакатимиз журналистларининг кўнглидаги орзу эди. Бу фикрни улар катта мамнуният ва миннатдорлик билан қаршиладилар. Зеро, ушбу фонднинг ташкил этилиши мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлай оладиган электрон, босма ва бошқа турдаги, шу жумладан, хусусий ахборот воситаларини ўз ичига олувчи давлат ва нодавлат ОАВнинг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради, бозор иқтисодиётининг мураккаб

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатиغا!
РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.
«ГАЗ-31105» «ИЖ-2717» «ВАЗ-2106» «ГАЗЕЛЬ»
Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

ЖУРНАЛИСТЛАР КЎНГЛИДАГИ ОРЗУ

эркинлигини таъминлашга мамлакатимиздаги ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралаётгани бу муваффақиятлар омили бўлмоқда. Албатта, бу борада эришилган ютуқлар ўзимизники, улар биз босиб ўтган доvon. Ҳаёт эса давом этади ва бизнинг олдимизга янги-янги вазифалар қўяди. Шулар ҳақида ўйларканмиз, Юртбошимиз Исрол Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш йўлида амалга оширилши лозим бўлган вазифалар ҳақида айтган фикрлари алоҳида аҳамият касб этади. Маърузанинг бу қисми ОАВга дахлдор ҳар бир

жада тезкор ва ҳолис ахборотлар, ислохотлар ва янгилишлар йўлидан боришимизга тўққизлик қилаётган нуқсонлар, ҳаётнинг долзарб муаммолари ҳақида ошқора, профессионал, чуқур таҳлилий материаллар етказиб бера олмаётгани. Журналистларимиз фаолиятида ўзини ўзи Чехов қаламага олган белковчасига цензура қилиш, юқоридан буйруқ қутиш кайфиятлари сезилиб қолаётгани ҳам ҳақиқат. ОАВни «туртинчи ҳокимият» деб атайдилар. Аммо бугунги ҳаёт биз, журналистлардан мамлакатимиз матбуоти, радио-телевидениесини амалда «туртинчи ҳокимият» даражасига етказиш йўлида астойдил ҳаракат қилишимиз лозимлигини тақозо этмоқда. Президентимиз

иқтисодий эркинлигини таъминлаш лозимлигини ва шу муносабат билан ОАВни қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди ташкил этиш фурсати етди, деган фикри илгари сурдилар. Бу — мамлакатимиз журналистларининг кўнглидаги орзу эди. Бу фикрни улар катта мамнуният ва миннатдорлик билан қаршиладилар. Зеро, ушбу фонднинг ташкил этилиши мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлай оладиган электрон, босма ва бошқа турдаги, шу жумладан, хусусий ахборот воситаларини ўз ичига олувчи давлат ва нодавлат ОАВнинг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради, бозор иқтисодиётининг мураккаб

жараёнини ўз бошидан кечирётган матбуот фаолиятига бирмунча мадад бўлади. Маълумки, ҳеч бир соҳа ривожини малакали ва етук мутахассисларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Матбуот, журналистика ҳам бундан истисно эмас. Қадрлар малакасини ошириш, эртанги кун талабига жавоб берадиган журналистлар тайёрлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Ташкил қилнадиган фонд маблағлари бу соҳага ҳам йўналтирилиши, ижодкорларимиз нафақат мамлакатимизда, балки хориждаги эътиборли ахборот марказлари ва агентликларда малака оширишлари, чет эллик касбдошлари билан тажриба алмашишлари, нуфузли журналистлар ташкилотлари билан алоқаларини йўлга қўйиш фақатгина мамлакатимиз ОАВ тараққиётига эмас, унинг жаҳон миқёсида ўз нуфузига эга бўлишига ҳам хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, алоҳида эътибор қаратилган соҳалардан бири маънавиятдир. Зеро, маънавий ҳаёт моддий ҳаётдан ҳам бўлмаслиги керак. Маънавияти юксак халқнинг истиқболи ҳам буюк бўлади. Таълим-тарбия, адабиёт ва санъат каби матбуот ҳам маънавиятнинг ажралмас қисмидир. Унинг раванки фақат юртимиз истиқобига хизмат қилади.

Шероҳ ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси раиси.

Болалар ижодиёти кўргазмаси

Халқ таълими вазирлигида Республика болалар ижодиёти маркази тарбияланувчиларининг санъат кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 30 нафардан ортиқ ижодкор ўқувчи ўз ижод намуналарини шу ернинг ўзига чизиб хайъат аъзоларига тақдим этдилар. Ўқувчиларнинг ижодига разм солар экансиз, уларнинг чинакам истеъдод эгаларига айланишига шубҳа қилмайсиз. Жавлон Абдувахобов кулолчилик чарҳида афсонавий аждаҳо ва фил ҳайкалларини шундай яратдики, кўз олдингизда

улар тирик тургандай гавдаланади. Чехраларида ҳаётга завок уфуриб турган Ирина Бучон 9 ёшда. У бир қўли билан бежирим жиякларни тикканини кўрган кўргазма иштирокчилари хайратларини яширолмади. Ана шу асарни учун Ирина биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Кўргазмада халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этишди.

М. ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Яйлов баракаси

«Сайхон» — Сурхондарёдаги энг катта ширкат ҳўжалиги. 109 минг гектар яйловни 21640 та майда мол-қўйи бор.

Энди қаранг: битта қўйга беш гектардан кўпроқ яйлов тўғри келаяпти. Бу — кам.

Сайхонликлар, ишонсангиз, бундан 15-20 йилча аввал 60-65 минг қўй санашган. Ғўшдан, жун ва қоракўл теридан тушган даромадлари хузурини тортиб доврўғ солиб ишлаган.

Хўш, айрим раҳбарлар баракасини учирой қўйган бу бойликни қайтадан тикласа, бўлармиккин?

— Булади, — дейди «Сайхон»нинг ҳозирги раиси Абдилазиз Саманов. — Уч йилда биз туёк сонини 11 мингга кўпайтирдик. Ҳозир ўн мингта совлиқдан тўл оладиган бўлиб турибмиз. Қиш давомида совлиқлар яши боқилаяпти. Чорвани «хар ўз бош совлиқдан 200 тадан кўзи оламиз» деган эски «қўшиқлар» билан кўпайтириб бўлмайди. Биттадан кўзи олайлик. Кўзини но-буд қилмайлик. Ўстирайлик. Совлиқни йилга беш мингтадан кўпайтирайлик-чи, беш-ўн йилда яйловга қўй сиймаги кетади.

Ҳўжаликда 200 нафар одам ишлайди. 2004 йилда олинган 80 миллион сўмлик фойданинг ўндан олти бўлаги уларга пай улуши қилиб тақсимлаб берилган. Яйловда яшайдиганларнинг иссиқ-совуғидан ҳўжалик хабарлашиб турибди.

Демак, «Сайхон»нинг аввалги доврўғи тикланади.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

Республика акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»и мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини тўбдан ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришни молиявий қўллаб-қувватлашга даъват этилган. Кейинги йилларда у асосий эътиборни ўз зиммасига юклатилган ана шу устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ташкилий тузилма ва фаолият стратегиясини жаҳон аңдозларини даражасига кўтариш, шу орқали банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратмоқда.



«Пахта Банк»: РИВОЖЛАНИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

Республикада юз бераётган иқтисодий ўзгаришлар жараёнида фаол ва самарали иштирок этиш мақсадида банк филиаллари тармогини кенгайтириб, хизмат турларини кўпайтирмоқда. Банкнинг ликвидлиги бўйича ўрнатилган меъёрларга риоя қилиб, даромадлилик даражасини оширмоқда. Банк капитал базасини мустаҳкамлашга, аҳолининг бўш маблағларини банк айланмасига мумкин қадар кўпроқ жалб этиш ҳисобига ресурслар базасини кенгайтириб, уни тўлдириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда «Пахта Банк»нинг 13 та минтақавий бошқармаси, улар таркибига кирувчи мустақил 183 та филиали ҳамда 312 та мини банки бўлиб, улар турли мулк шаклидаги 107 мингдан кўпроқ юридик шахслар ва 267 мингдан зиёд жисмоний шахсларга кенг қўламада банк хизмати кўрсатмоқда. Айниқса, 2004 йилда банк фаолиятида катта иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ягона вакиллик ҳисобовари орқали тўловлар тизимининг ташкил этилганлиги банкнинг актив ва пасивларини самарали бошқариш, ликвид активлар миқдорини мақбул даражада сақлашга ҳолда, даромадлиликни янада ошириш ва тўловларда узиллишларга йўл қўймаслик имконини берди. Банк бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ягона ахборотлар базасини шакллантириш, тўловлар ўтишини тезлаштириш орқали миқдорларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида амалдаги электрон тўлов тизими янада муккамаллаштирилди. Республикада фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари жағмаралар ва жаҳон молиявий институтлари билан, илчил ва мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, уларнинг маблағларини банкка жалб этиш орқали

мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқ ва йўналишларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтирилди. Банк мажбуриятлари таркиби ва ресурслар базасининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2004 йилда банкнинг ўз депозитлари базасини шакллантириш, жумладан, аҳолининг банкдаги омонатлари салмогини ошириш ва марказлашган кредит маблағларини бошқичма-бошқич қайтариш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Масалан, мuddатли омонатлар йил бошидаги нисбатан 8,8 миллиард сўм кўпайиб, 27,3 миллиард сўмга етди. Бошқача қилиб айтганда, ўтган йили банкка жалб этилган жағмарга ва омонатларнинг умумий миқдори 2000 йилдагига нисбатан 12 баравар, 2002 йилга нисбатан эса, қарийб 2,5 баравар кўпайди.

Банкнинг жағми активлари, 2004 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 238,9 миллиард сўмни, даромад келтирувчи активлар эса, 166 миллиард сўмни ёки жағми активлардаги улуши 70 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2004 йилнинг ўзига 26,4 миллиард сўмга ёки 19 фоизга ортди.

Бугунги кунда шакллантирилган жағлама капитал миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган ҳамда хорижий банклар билан имзоланган кредит шартномаларидаги иқтисодий меъёр ва талабларга тўла жавоб беради. Жумладан, капиталнинг етарлилик коэффициентини бўйича энг кам миқдор 10 фоиз даражасида ўрнатилиб, капиталнинг тавakkалчаникка тортилган активларга нисбати, 2004 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, 25,7 фоизни ташкил қилди. Бу яқин келажакда банк томонидан актив ва пасивлар миқдорини янада ошириш имконини беради. Базел қўмитаси талаблари ва Марказий банк томонидан ўрна-

тилган меъёр бўйича 1-даражали капиталнинг жағми капиталдаги салмоғи 50 фоиздан кам бўлмаслиги белгиланган. Ана шу кўрсаткич эса ҳисобот даврида банк бўйича 81,8 фоизга етди. Маълумки, ҳар қандай мамлакатда ялли ички маҳсулот ҳажми унинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини, халқ турмуш фаровонлигини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан биридир. Ялли ички маҳсулотнинг асосий қисмини эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаради. Шу боис «Пахта Банк» бошқаруви томонидан 2004 йилда кредит маблағларини уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, яъни иқтисодиётнинг реал секторига, шу жумладан, аҳоли учун истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологияларини сотиб олишнинг кредитлашга йўналтиришга, улар томонидан аҳолига кенг истеъмол моллари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича маҳсулотларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда «Пахта Банк» тизими томонидан 82208 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиб келинмоқда Уларга Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан тақдирланган истиқбол режасига асосан, 2004 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 13,6 миллиард сўм кредит ажратилиш белгиланган эди. Амалда 4288 та лойиҳа юзасидан 14,4 миллиард сўм ажратилди. Умуман, 2004 йил давомида «Пахта Банк» тизими бўйича барча молиялаштириш манбаларидан жағми 6940 та лойиҳага ажратилган 17,5 миллиард сўм маблағнинг 21 фоизи қисқа мuddатли,

79 фоизи эса, узоқ мuddатли кредитлардир. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу кредитлар ҳисобига жойларда 11921 та янги иш ўрни очилиб, 8,73 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга эришилди. Банк маъмуриятининг деҳқон ва фермер ҳўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга

қаратилган илчил сўй-ҳаракатлари ҳам кутилганидан зиёд самара бераётди. 2004 йилда деҳқон ва фермер ҳўжаликларига жағми 9,1 миллиард сўм ёки аввалги йилдагига нисбатан 38 фоиз кўп кредит ажратилди. Бу жағми кредитларнинг 52 фоизини ташкил этади. Ушбу кредит маблағларининг 89 фоизи, яъни 8,1 млрд. сўми қишлоқ ҳўжалик техникалари, уларга эҳтиёт қисмлар, уруғлик ва бошқа зарур воситалар сотиб оlishга йўналтирилди. Натижада 3263 та янги иш ўрни яратилди, қўшимча 2,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Бунинг қўйидаги мисоллар ҳам тасдиқлаб турибди.

«Санага юлдузи» хусусий фирмаси ўтган йил февраль ойда «Пахта Банк»нинг Бухоро вилояти филиалидан 20 млн. сўм миқдорда кредит олган эди. Бу маблағга корхона томонидан тивук машиналари ва хомаш ҳарид қилинган бўлиб, эркаклар учун сифатли, рақобатбардор, хариддоригир костюм-шимлар, аёллар учун халатлар, қўйлаклар ва бошқа кийим-кечаклар тикланимда. Утган даврда 53 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 47 млн. 615 минг сўмиги сотилди. Айни кунларда бу ерда 27 ишчи меҳнат қилмоқда. «Сапфирал» қўшма корхонасига ҳам банкнинг Фиждувон филиали 2004 йил март ойда канцелярия товарлари ишлаб чиқариш учун 10 млн. сўм миқдорда узоқ мuddатли кредит берган эди. Кредитга минчи босмахона ускуналари сотиб олинди, 10 та иш ўрни яратилди. Пировавладда 31 млн. 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу маҳсулотнинг 28 млн. 173 минг сўмиги хариддорларга етказиб берилди.

Бухоро вилояти Галаасиё туманидаги «Мибутек» масъулияти чекланган жағмиятининг сўй-ҳаракатлари тақсиринга лойик. Бу корхона шинни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 2004 йил августда банкнинг Галаасиё филиалидан 30 млн. сўм узоқ мuddатли кредит олган эди. Утган вақт ичида 144 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ана шу маҳсулотнинг асосий қисми экспортбон бўлиб, ҳозирги кунда улар учун Россия ва Украина шаҳарларидан янги миқдорлар изланмоқда. «НТЗО» ёпиқ турдаги акциядорлик жағмияти билан эса 972 минг АКШ долларлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тuzилган эди. Бугунги кунга қадар 34 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилди.

Банк кредитларининг мақсадили ва самарали фойдаланиб, ўз ишлаб чиқаришини тобора кенгайтириб бораётган, энг муҳими, янги-янги иш ўринлари яратаятган бундай тадбиркорлар ҳаётидан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Эътиборлики, «Пахта Банк» кичик бизнес субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер ҳўжаликларини молиялаштиришни янада кенгайтириш, банк ресурслари базасини мустаҳкамлаш мақсадида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиқни тобора кучайтирмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун Германия КФВ банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Хитой «Эксимбанк»и ва Жаҳон банки кредит линиялари жалб этилган эди. Утган даврда «Пахта Банк» билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўрта-санда имзоланган шартноманинг 1,4 миллион доллари, Осиё Тараққиёт банки билан тuzилган лойиҳа битимининг 2,2 миллион доллари ўзлаштирилди.

2001-2005 йилларда «Пахта Банк»да пластик картончалар асосидаги тўлов тизимини ривожлантириш дастури'ни амалга оширишда эришилган натижаларини, айниқса, банкнинг 2004 йилда энг катта ютуқларидан бири, дега бўлади. Вазирлар Мағжамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Пластик картончалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини илчил баҳара бориб, банк миқдорларга етказиб берилган пластик картончалар сонини бир йилда уч баравар кўпайтиришга эришди. Бугунги кунда 500 дан зиёд ташкилот ҳодимлари иш ҳақларини 40 мингдан зиёд пластик картончалар орқали олмақдалар.

Ушбу қўлай ва ишончли ҳисоб-китоб воситасидан бутун республика ҳудудида бемалол фойдаланишларини таъминлаш мақсадида жорий йил давомида улар банкнинг барча 183 та ҳудудий филиалида амалга оширилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Мағжамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизминини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш учун Марказий банкнинг вилоят бошқармалари ҳамда жойлардаги ҳокимликлар билан келишилган ҳолда, 101 та янги махсус банк шохбончаси фаолияти йўлга қўйилди. Қўшимча ташкил этилган ушбу шохбончалар Марказий банк талаблари асосида тўлиқ жиҳозланди. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар билан банк ўртасида коммунал тўловларни қабул қилиш юзасидан тегишли шартномалар тuzилди.

А. ЙЎЛДОШЕВ, И. УТБОСАРОВ.

